

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 9 ” январь

№ ПФ-5618

“ ____ ” 20 г.

**Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни
юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида**

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сакланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг хуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илфор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда хуқуқий билимларини ошириб боришининг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса ёшларни заарали ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам хуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгидаги **“Жамиятда қонунларга хурмат руҳини қарор топтириш – демократик хуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига хуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича хуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли хуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга кўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

2. “Юксак хуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик хаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш **“шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият”** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

4. Қўйидагилар:

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсан:

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг хуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан хуқукий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хуқукий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча хуқукий маълумотлар (юридик луғат, хуқукий адабиётлар электрон майдончаси, қонун хужжатлари лойиҳалари мухокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хуқукий интернет порталини яратиш;

аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz хуқукий ахборот тизимини яратиш;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда хуқукий билимларга доир ўқув машғулотлари қўламини янада кенгайтириш;

аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган хуқукий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш;

аҳолининг хуқукий онги ва хуқукий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг хуқукий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган “Хуқукий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда “Хуқукий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Хукумат қарорини қабул қиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг хуқукий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун хужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг хуқукий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Бола хукуклари ва мажбуриятлари” мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2019/2020 ўкув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этсин, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўкув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

2019 йил 1 марта қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўкув материаллари тайёрланишини ташкил қилсин;

ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таълим муассасаларида турли ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;

2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ якунласин;

уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

доимий равища энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, аниқ дастурлар асосида улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширсан, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб борсан;

икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равища амалга ошириладиган “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини жорий этсин;

бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқсан;

жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борсин;

зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва “Йўл харитаси”ни самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилсин;

Концепция ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш жараёнининг самарали мувофиқлаштирилиши ва мониторинги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда ахборот бериб борсин;

икки ой муддатда Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг қўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда хуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга хурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-хуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.

15. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган хуқуқий-маърифий тадбирларни амалга оширишга қаратилган маблағларни ўзларининг харажатлар сметасида назарда тутиб борсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шахри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармонига
1-илова

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Умумий қоидалар

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон хуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан:

биринчидан, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаяпти. Жамиятда, оиласа, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда хуқуқий ахборотларни етказишнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас. Шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ғоялари аҳоли, айниқса, давлат хизматчилари онгига етарли даражада сингдирилмаяпти;

иккинчидан, узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнлари хуқуқий тарбия билан уйғун олиб борилмаяпти, аҳоли, айниқса, ёшларнинг хуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқининг тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятларига таянилмаяпти;

учинчидан, хуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаган, ижтимоий шериклик принципи асосида ишлар ташкил этилмаган;

тўртинчидан, ёшларнинг хуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан хуқуқий иммунитетни шакллантиришнинг аниқ мақсадли чора-тадбирлари белгиланмаган;

бешинчидан, жамиятда манзилли хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари ва бошқа соҳавий хизматларнинг фаол иштироки таъминланмаяпти, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик кўзга ташланмаяпти;

олтинчидан, ҳуқуқий тадбирлар хамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларидан, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланилмаяпти, ҳуқуқий йўналишдаги веб-сайтлар етарли эмас;

еттинчидан, ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган лойихаларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас, бу борада тадбирлар номигагина ташкил этилмоқда, ҳуқуқий билимларни юксалтириш бўйича ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш, илмий изланишларни олиб бориш ишлари самарасиз амалга оширилмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги мавжуд муамма ва камчиликлар **“Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати”** деган ғоя остида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция) қабул қилиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

II. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари

1. Аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни хурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш Концепциянинг асосий мақсадидир.

2. Қўйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгига **“Жамиятда қонунга хурмат рухини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”** деган ҳаётй ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимили ва узвий равища олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилиш**;

ёш авлод онгига ҳуқук ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни ҳалқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

III. Концепциянинг асосий йўналишлари

1-боб. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

1. Оилада ҳуқуқий тарбияни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

1. Болалар учун маҳсус ҳуқуқий портал яратиш. Унда:

Конституцияни ўргатишига доир илк тушунчалар;

кундалик ҳаётда қўллашга мўлжалланган бошланғич ҳуқуқий билимлар;

ҳуқуқни тарғиб қилувчи турли хил ўйинлар, машғулотлар ва дастурлар бўйича услубий қўлланмалар ва бошқа зарур маълумотларни бериш.

2. Оилада болаларга ҳуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича ота-оналар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиши ва тарқатиш.

3. Оила даврасида ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган, ҳар бир элементар ҳуқуқий билимларни ўргатишига қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма тайёрлаш ва бепул тарқатиш.

4. Болалар учун ҳуқуқий мавзуларда ва одоб-ахлоқнинг оддий ва кундалик қоидаларини билишни, ватанпарварлик, қонунларни хурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихи ва миллий қадриятларини ўргатишни тарғиб қилувчи турли мультиликацион фильмларни яратиш.

5. Болалар учун ҳуқуқий ахборотни етказишга ҳамда кундалик турмушда қўлланиладиган нормалар ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатишга қаратилган аудиоэртаклар, кинофильмлар ва киножурналлар ишлаб чиқиш.

6. Оиласвий нотинчлик ҳамда болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, болалар орасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг салбий оқибатлари тўғрисида телекўрсатувлар, ток-шоулар тайёrlаш.

7. Кундалик турмушда кўп учрайдиган масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари ва янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини уйма-уй юриб тарғиб қилиш, шунингдек, ҳуқуқий маълумотларни етказишга қаратилган флаер, буклет ва бошқа тарқатма материалларни оиласларга бепул тарқатиш.

8. Ёшлар ва ота-оналар ўртасида никоҳ ёши, алимент тўлаш шартлари, кариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида мунтазам равища ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш.

2. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла институтининг ролини кучайтириш

1. Маҳаллаларда энг долзарб, аҳолини қизиктирадиган ва мурожаатларда қўтарилаётган муаммоли масалаларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қонун ҳужжатлари мазмун ва моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўриш.

2. Маҳаллаларда аҳоли орасидаги турли муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича ҳуқуқий ахборотни буклет, флаер, лифлет ва плакатлар шаклида аҳолига етказиш.

3. Маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини ташкил этиш, бунда аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар (адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари ва бошқалар) томонидан аҳолига ҳуқуқий тушунтиришлар берилишини таъминлаб бориши.

4. Жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролик низоларини кескин камайтириш ҳамда аҳолида, айниқса, тарбияси оғир бўлган фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида судлар томонидан маҳаллаларда аҳоли билан очик мулоқотларни тизимли равища ташкил қилиш ва сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш.

5. “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда аҳоли орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар кўлами ва сифатини ошириш.

6. Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари аъзоларининг янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида тегишли тадбирларни амалга ошириш.

3. Таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ва “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш” маҳсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича тизимли ўргатиш нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқиш ва ўргатилишини ташкил қилиш.

Маҳсус ўқув курслари якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида синовлар ташкил қилиш.

2. Болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ва инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш.

3. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга болалар ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир машғулотларни жорий этиш. Бунда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ҳуқуқ асослари ва бола ҳуқуқлари бўйича бепул малакасини ошириш ҳамда машғулотларни ўтказиш учун турли инновацион лойиҳаларни яратиш чораларини кўриш.

4. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳуқуқнинг илк тушунчаларини ўргатиш бўйича намунавий қўлланма яратиш.

5. Янги авлод ҳуқуқий дарсликлари ва ўқув қўлланмалари тизимини яратиш. Бунда умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун ҳуқуқий билимларни содда ва кўргазмали ўргатишга қаратилган ўқув қўлланмаларини, шунингдек, таълим муассасалари учун ҳуқуқ фанлари бўйича ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини тайёрлаш чораларини кўриш.

6. Ёшларга ўз ҳуқуқларини химоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган “Street law” (Кўча ҳуқуки – оддий ҳуқуқ) лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича куйидаги ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш:

ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабалари, юридик коллежлар ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат кўнгиллилар (волонтер) гуруҳини шакллантириш;

“Street law” лойиҳаси амалга оширилишини методик таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўнгиллилар гуруҳлари учун интерактив машғулотлар олиб бориш методикаси бўйича тренинглар ўтказиш;

кўнгиллилар томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун машғулотлар ўтказиш.

7. Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари орасида ҳуқуқ фанидан республика миқёсида куйидаги танловларни ташкил қилиш ва ўтказиш:

умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари ўртасида “Ҳуқуқ – бу тўғриликдир” мавзуисидаги расмлар танловини ташкил қилиш;

умутаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Менинг ҳукуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловини ташкил этиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловини ташкил қилиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;

олий таълим муассасаларида “Ҳукуқ билимдонлари” кўрик танловини ташкил қилиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш.

8. Ёшларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш.

9. Ёшларда ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгидаги коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.

10. Болалар ва ёшларга уларнинг ҳукуқлари ва одоб-ахлоқ нормалари хақида маълумот берувчи кўргазмали тарғибот бўйича қўйидаги ишларни амалга ошириш:

флаерлар, буклетлар, комикслар, тақдимот слайдлари, видеороликлар ишлаб чиқиш ва ҳар бир таълим муассасасига етказиш (ҳар чоракда);

кўргазмали ҳукуқий тарғибот материалларини болалар ва ёшлар эътиборига етказиш.

11. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ёшларни ўз ҳукуқий саводхонлигини юксак даражада шакллантириш ва оширишдек эзгу мақсадлар атрофида бирлаштирувчи “Ҳукуқ билимдонлари” ёшлар ҳукуқий клубларини ташкил этиш, кейинчалик уларнинг ижтимоий тармоқларда ҳам фаолият кўрсатишини таъминлаш.

12. Умутаълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳасида ҳукуқ фанидан олимпиадалар ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш.

13. Тарбияси оғир вояга етмаганларга қучайтирилган ҳукуқий таълим бериш ва тарбиялашга оид маҳсус дастурларни қўллаш.

14. Ёшларда соғлом турмуш тарзига бўлган интилишни шакллантиришга, ижтимоий жиҳатдан хавфли касалликларга, гиёҳвандликка, чекишга ва бошқа заарарли одатларга қарши курашишга доир профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли уюштиришга, оммавий ёшлар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

15. Болалар ва ёшларда давлат рамзларини эъзозлаш, унинг қадр-қимматини англаш, шунингдек, шахсий эҳтиёжлар ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилишга доир аниқ режалар асосида “очик дарслар” ва ўқув машғулотлари ўтказилишини таъминлаш.

16. Диний экстремизм, тероризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришга қаратилган маҳсус видеороликлар тайёрлаш.

17. Ёшлар томонидан содир этилаётган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, ноқонуний автопойгалар ўтказиш ва бошқа нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида “Энг тартибли ёш ҳайдовчи” лойиҳасини ташкил этиш.

4. Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳукуқий маданиятини юксалтириш

1. Давлат органлари ва ташкилотларда ҳукуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш.

2. Давлат органлари ва ташкилотларда жамоатчилик асосида доимий фаолият кўрсатувчи ҳукуқий тарғибот гурухларини ташкил қилиш ва улар томонидан соҳага доир қонун ҳужжатлари нормаларининг ходимлар ўртасида тизимли равища тарғибот қилинишини таъминлаш.

3. Давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳукуқий саводхонлиги минимал даражаси бўйича талабларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишга қабул қилишда мазкур талабларга мувофиқлиги юзасидан ўқитиш ва баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш.

4. Давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳукуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳукуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш.

5. Ҳар бир давлат органлари ва муассасаларида “Ҳукуқий маданият ойлиги”, “Одоб-ахлоқ ойлиги” ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.

6. Давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари фаолиятида масъулиятсизликнинг ва идоравий ҳукуқий нигилизмнинг намоён бўлишига имкон яратадиган омилларни ҳукуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш орқали бартараф этиш.

7. Кадрларга оид қарорларнинг, бўш лавозимларга кадрларни тайинлаш учун танловларни режали асосда ўтказишнинг шаффофлигини таъминлаш.

8. Аҳолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳукуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган ютуқлари учун топшириладиган “Ҳукуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш.

9. Давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида фаолият йўналишидан келиб чиқиб қонун ҳужжатлари мазмунини тушунтиришга қаратилган “Ҳукуқий саводхонлик” руқнларини ташкил этиш.

5. Аҳоли барча қатламларининг ҳукуқий маданиятини юксалтириш

1. Ёшидан келиб чиқиб аҳоли ҳукуқий саводхонлигининг даражаси бўйича минимал талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида фуқароларнинг ҳукуқий билим даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш.

2. Адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам қўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантириш.

3. Қонун ҳужжатларини аҳолига тезкор равишида етказиш, шунингдек, соҳага доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш тизимини такомиллаштириш.

4. Ахборот-ресурс марказлари ҳамда ахборот-кутубхона фондларини юридик адабиётлар билан бойитиб бориш.

5. Давлат органлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил мультимедиа марказларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини кучайтириш. Бунда долзарб ва аҳолини қизиқтирадиган ҳуқуқий масалаларни аниқлаштириш (уй-жой ва ер олиш масалалари, таълим муассасаларига жойлаштириш, алимент, моддий ёрдам, миграция, коммунал хизмат масалалари) ҳамда таҳлиллар асосида ва қонунчиликдаги соҳага оид янгиликлар бўйича зарур ахборот-таҳлилий ва кўргазмали медиа материалларни тайёрлаш ва эфирга узатиш.

6. Аҳолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларни қизиқтирган ҳуқуқий мавзулар бўйича “Сўров бўйича ҳуқуқий тарғибот” лойиҳасини амалга ошириш.

7. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган ҳуқуқ тарғиботчиларининг бу борадаги фидойилигини рағбатлантириб бориш мақсадида “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” ва “Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда энг яхши инновацион лойиҳа” танловларини ўтказиб бориш.

8. Халқимизда давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган видеороликлар тайёрлаш.

9. Халқимизнинг ҳуқуқий ёдгорликлари ва ҳуқуқ йўналишидаги олимлари ва арбоблари фаолиятини чуқур ўрганиш ва уларни кенг оммага тарғиб қилиш.

10. Аҳолига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фуқаролар олдидағи мажбуриятларини тушунтиришга, шунингдек, аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий видеороликларни тайёрлаш ҳамда телевидение ва ижтимоий тармоқларда тарқатиш.

11. Адвокатлик ёки ҳуқуқшунос фаолиятига бағишлиланган бадиий фильм ва сериаллар тайёрлаш.

12. Аҳолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган қисқа метражли фильмлар ҳамда театр спектакларини яратиш ва тизимли равишида телевидение орқали бериб бориш.

13. Коррупцияга қарши курашиш мавзуси доирасида камида 5 та ижтимоий видеоролик тайёрлаш, шунингдек, коррупция, ҳалоллик, тўғрилик, қонунга хурмат, адолат тантанаси мавзуларида тарғибот материаллари, дидактик материаллар, мультиликацион фильмлар тайёрлаш.

14. Аҳолида коррупцияга муросасизлик кайфиятини шакллантириш мақсадида ижтимоий шериклик асосида коррупцияга қарши тарғибот материаллари (журналистик материаллар, блогпостлар, карикатураалар, буклет, флаер, баннерлар, юмористик асарлар) мегатанловини ўтказиш.

15. Мехнат мигрантларига турли ижтимоий-хуқуқий масалалар, хусусан, миграция, ишга жойлашиш, таълим олиш, бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатлари бўйича хуқуқий ахборотлар олишда тизимли ёрдам кўрсатишни ўз ичига олувчи маҳсус ахборот сайтини ишлаб чиқиш.

16. Ташки мөхнат мигрантларини миллий қонунчилик ва халқаро хуқук нормаларининг мазмуни тўғрисида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчиҳоналари ва ваколатхоналари кўмагида ижтимоий рекламалар, Интернет веб-саҳифалари, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалардан фойдаланган ҳолда хабардор қилиб боришининг аниқ механизмини ишлаб чиқиш.

17. Ногиронлар (кўзи ожиз ва кар-соқовлар учун) ва кекса ёшдаги шахслар учун фойдаланишга қулай бўлган, уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид хуқуқларига доир тўпламларни тайёрлаш ва хайрия акцияларини ўтказган ҳолда тарқатиш.

18. Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга мослашуви учун кўмак бериш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида масофадан туриб таълим олиш тизимини йўлга қўйиш.

19. Жазони ижро этиш муассасаларида хуқуқий билимларни ўргатиш, хуқуқий маърифат ва судланганларни хуқуқий тарбиялаш мақсадида “Хуқук ва мен”, “Жиноят оламидан қайтиш” номли маърифий-хуқуқий машғулотларни мунтазам ўтказиш тизимини жорий этиш.

20. Ҳарбий хизматчиларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида:

аниқ чора-тадбирлар асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг, Темурбеклар мактаблари ўқувчиларининг хуқуқий билимларини тизимли равишда ошириб бориш, дунёқараши ва фикрлаш доираларини кенгайтириш;

ҳарбий қисмларда ҳар ойнинг жума куни “Хукуқий саводхонлик соати”ни ташкил қилиш, унда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини ҳарбий хизматчиларга етказиш.

2-боб. Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришда хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш

1. Қўйидаги масалаларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Миллий хуқуқий интернет порталини яратиш:

қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
барча миллий хуқуқий сайтлар;

юридик луғат ва хуқуқий электрон кутубхона;

мақсадли аудиториялар (давлат хизматчилари, педагоглар ва бошқалар) учун мажбурий курслар (mandatory courses).

2. Турли ҳаётий ҳолатлар бўйича хуқуқий ечим таклиф этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими билан боғланадиган Advice.uz хуқуқий ахборот тизимини (“Ўзбекистон хуқуқий форуми” сайтини) яратиш ва ишга тушириш.

3. Фуқароларнинг ўз хуқуқий билим даражасини синаш мақсадида Интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Хуқуқий тест” лойиҳасини яратиш.

4. Интернетдаги ижтимоий тармоқларда (Facebook, Telegram, Twitter, Youtube, Mytube.uz ва ҳ.к.) давлат органлари ва ташкилотларнинг каналларини ташкил қилиш ва ушбу каналларда веб-технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда соҳа фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб хуқуқий тарғибот материалларини жойлаб бориш.

Ижтимоий тармоқлардаги каналларда эълон қилиш учун материалларни тайёрлаш, жойлаштириш ва қайта алоқани таъминлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш.

5. Интернет тизимида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Хуқуқий ахборот” телеграм каналини ташкил қилиш ва унда қонун ҳужжатлари мазмунини қисқача таҳлилий ёритиш, шунингдек, аҳолининг хуқуқий билимларини юксалтиришга доир хуқуқий материалларни бериб бориш.

6. Мамлакатимиз аҳолиси кўп фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда сўровлар ўтказиш орқали хуқуқий маданият ва хуқуқий онг даражасини таҳлил қилиш ва унинг натижасида хуқуқий ахборотни манзилли етказиш ишларини ташкил этиш.

3-боб. Аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш

1. Хуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар қўламини кенгайтириш.

2. Оммавий ахборот воситаларининг (матбуот, телевидение, радио) хуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини рағбатлантиришнинг хуқуқий механизмларини белгилаб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3. Хуқуқий даврий нашрларни интернет тармоғига интеграция қилиш ва уларнинг электрон нусхалари жойлаб борилишини таъминлашни йўлга қўйиш.

4. Аҳолининг хуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида “Хуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш ва амалга ошириш.

5. Хуқуқий соҳани ёритувчи журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Қабул қилинган қонун ҳужжатларига мустақил эксперталар, мутахассислар ва ахолининг фикри ҳамда муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш.

7. Аҳоли ўртасидаги долзарб ижтимоий-хукуқий муаммолардан келиб чиқиб, фуқароларнинг хукуқий маърифатини оширишга хизмат қиладиган, хукуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ҳамда хукуқий мавзудаги лойиҳаларни тайёрлаш ва тарқатиш.

8. Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ташкил этиш.

9. Давлат органлари ахборот хизматларининг хукуқий ахборотни тарқатишдаги роли ва ўрнини кучайтириш, шу жумладан, давлат органи нуфузига таъсир кўрсатадиган салбий хабарлар бўйича зудлик билан муносабат билдириб бориш механизмини яратиш.

4-боб. Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш

1. Ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг хукуқни қўллаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш, талабаларда таҳлилий фикрлашни, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантиришга қаратилган ўқитишининг замонавий шакллари ва услублари ҳамда технологиялари асосида ташкил этиш.

2. Юридик олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот институтлари, судлар, хукуқни муҳофаза килувчи органлар билан алоқаларини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Замонавий хорижий тажриба асосида юридик соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги инновацион шакл ва институтларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Илғор хорижий тажриба асосида миллий юридик таълим ва юридик фан соҳасини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга фахрий доктор даражасини бериш тартибини жорий этиш.

5. Ўқув жараёнига клиник юридик таълимни татбиқ этиш юзасидан етакчи хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланиш.

Тармоклараро таълимни кучайтириш ва бу борада Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичида “Хуқуқ ва Тиббиёт”, “Хуқуқ ва Қурилиш” каби мутахассисликлар очилишини таъминлаш.

6. Хукуқий мавзулар бўйича таълим берувчи педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

5-боб. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.
2. Жамиятда ахолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришни аниқ кўрсаткичлар асосида ўрганиб бориш ва баҳолаш.
3. Ҳуқуқий фанларни ривожлантиришнинг илмий асосланган режаларини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш.
4. Ҳуқуқий тарбиянинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш.
5. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича магистрлик ва докторлик диссертациялари тайёрлаш кўламини кенгайтириш, бунда оиласдаги можаро ва зўравонликлар ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларини комплекс тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш.
6. Давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб бориш.
7. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, маҳсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиш.

IV. Концепциянинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш натижасида куйидагилар кутилмоқда:

фуқаро, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида ахолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, шахсий эҳтиёжлар ҳамда жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатнинг сакланишини таъминлаш;

бала ва ёшлар онгига илк ҳуқуқий тушунчаларни ва одоб-ахлоқ қоидаларини тизимли сингдириб бориш, ҳуқуқий таълим-тарбияни узвий ва тизимли олиб боришга эришиш;

ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини яратиш ва жорий этиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

манрабдор шахслар ва фуқароларда қонунга ва ҳуқуққа бўлган ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармонига
2-илова

**Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини
2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р.	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижочилар
I. Шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида ахолининг хуқуқий маданиятни юксалтириш				
1. Оиласда хуқуқий тарбияни шакллантириши ва хуқуқий маданиятни юксалтириши				
1.	Болалар учун маҳсус хуқуқий портал яратиш. Унда: Конституцияни ўргатишга доир илк тушунчалар; кундалик ҳаётда қўллашга мўлжалланган бошланғич хуқуқий билимлар; хуқуқни тарғиб қилувчи турли хил ўйинлар, машғулотлар ва дастурлар бўйича услубий қўлланмалар ва бошқа зарур маълумотларни бериш.	Хуқуқий портал	2019 йил май	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
2.	Оиласда болаларга хуқуқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг бошланғич қоидаларини ўргатиш бўйича ота-оналар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарқатиш.	Услубий қўлланма	2019 йил август	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
3.	Оила даврасида хуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган, ҳар бир элементар хуқуқий билимларни ўргатишга қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан хуқуқий қўлланма тайёрлаш ва бепул тарқатиш.	Қўлланма	2019 йил октябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
4.	Болалар учун хуқуқий мавзуларда ва одоб-ахлоқнинг оддий ва кундалик қоидаларини билишни, ватанпарварлик, қонунларни хурмат қилиш, ўзбек халқининг тарихи ва миллий кадриятларини ўргатишни тарғиб қилувчи турли мультиликацион фильмларни яратиш.	Мультиликацион дастурлар	2019 йил сентябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Зокиров), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев)

5.	Болалар учун хукуқий ахборотни етказишга ҳамда кундалик турмушда қўлланиладиган нормалар ва одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатишга қаратилган аудиоэртаклар, кинофильмлар ва киножурналлар ишлаб чиқиш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил сентябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Зокиров), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
6.	Оиласий нотинчлик ҳамда болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, болалар орасидаги хукукбузарлик ва жиноятларнинг салбий оқибатлари тўғрисида телекўрсатувлар, ток-шоулар тайёрлаш.	Телекўрсатувлар Аниқ график асосида	2019 йил июль	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), МТРК (А.Хаджаев), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф.Абдухаликов)
7.	Кундалик турмушда кўп учрайдиган масалаларнинг хукуқий ечимлари ва янги қабул қилинган қонун хужжатларининг моҳиятини уйма-уй юриб тарғиб қилиш, шунингдек, хукуқий маълумотларни етказишга қаратилган флаер, буклет ва бошка тарқатма материалларни оиласаларга бепул тарқатиш.	Тарғибот тадбирлари, тарқатма материаллар Аниқ график асосида	Доимий равища	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш.Жавлонов), вазирлик ва идоралар
8.	Ёшлар ва ота-оналар ўртасида никоҳ ёши, алимент тўлаш шартлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг хукуқий оқибатлари тўғрисида мунтазам равища хукуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Тарғибот тадбирлари Аниқ график асосида	Доимий равища	“Оила” илмий амалий маркази (Д.Тошмуҳамедова), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш.Жавлонов), вазирлик ва идоралар

2. Аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтиришида маҳалла институтининг ролини кучайтириши

9.	Маҳаллаларда энг долзарб, аҳолини қизиктирадиган ва мурожаатларда кўтарилаётган муаммоли масалаларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли хукуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қонун хужжатлари мазмун ва моҳиятини етказиш бўйича чоралар кўриш.	Сўровлар, таҳлилий маълумот Учрашувлар, давра сухбатлари, семинарлар ва бошка тадбирлар	Хар чоракда Доимий равища	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
10.	Маҳаллаларда аҳоли орасидаги тури муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича хукуқий ахборотни буклет, флаер, лифлет ва плакатлар шаклида аҳолига етказиш.	Тарқатма тарғибот материаллари	Доимий равища	Вазирлик ва идоралар

11.	Маҳаллаларда “Хуқуқий ахборот куни” лойиҳасини ташкил этиш, бунда аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар (адвокатлар, нотариуслар, юридик хизматлар ходимлари ва бошқалар) томонидан ахолига хуқуқий тушунтиришлар берилишини таъминлаб бориш.	Хуқуқий тадбирлар режасига мувофиқ	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш. Жавлонов), вазирлик ва идоралар
12.	Жиноятчилик ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролик низоларини кескин камайтириш ҳамда ахолида, айниқса, тарбияси оғир бўлган фуқароларда қонунга хурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида: судлар томонидан маҳаллаларда ахоли билан очик мулоқотларни тизимли равища ташкил қилиш; сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш.	Чора-тадбирлар режаси Сайёр суд мажлислари	Ҳар чоракда Доимий равища	Олий суд (К.Камилов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш.Жавлонов)
13.	“Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ахоли орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар кўлами ва сифатини ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш.Жавлонов)
14.	Профилактика инспекторларининг ёрдамчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гурухлари аъзоларининг янги қабул қилинаётган қонун хужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида тегишли тадбирларни амалга ошириш.	Учрашувлар, давра сухбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар	Доимий равища	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (Ш. Жавлонов)
3. Таълим муассасаларида хуқуқий саводхонликни ошириши				
15.	“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ва “Инсон хуқуқларини ўрганиш” маҳсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича тизимли ўргатиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ва ўргатилишини ташкил қилиш. Маҳсус ўқув курслари якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида синовлар ташкил қилиш.	Комплекс чора-тадбирлар Ўқув машғулотлари	2019 йил май 2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
16.	Болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган ҳолда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ва инсон хуқуқларини ўрганиш бўйича кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш.	Қўлланмалар	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев)

17.	<p>Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларга болалар хуқук ва мажбуриятларига доир машғулотларни жорий этиш. Бунда:</p> <p>мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг хуқук асослари ва бола хукуклари бўйича бепул малакасини ошириш;</p> <p>машғулотларни ўтказиш учун турли инновацион лойиҳаларни яратиш чораларини кўриш.</p>	Таклифлар	2019 йил февраль	Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
18.	Мактабгача таълим муассасаларида болаларга одоб-ахлок қоидалари ва хукуқнинг илк тушунчаларини ўргатиш бўйича намунавий қўлланма яратиш.	Намунавий қўлланмана	2019 йил июль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)
19.	<p>Янги авлод хукукий дарсликлари ва ўкув қўлланмалари тизимини яратиш. Бунда:</p> <p>умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўкувчилари учун хукукий билимларни содда ва кўргазмали ўргатишга қаратилган ўкув қўлланмаларини;</p> <p>таълим муассасалари учун хукуқ фанлари бўйича ўкув дарсликлари ва қўлланмаларини тайёрлаш чораларини кўриш.</p>	<p>Ижрочиларнинг кўшма қарори</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил ноябрь</p>	<p>Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)</p>
20.	<p>Ёшларга ўз хукукларини ҳимоя қилишнинг амалий механизmlарини ўргатишга қаратилган “Street law” (Кўча хукуки – оддий хукук) лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича кўйидаги ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш:</p> <p>хукуқшуносликка ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабалари, юридик коллежлар ўкувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат кўнгиллилар (волонтер) гурухини шакллантириш;</p> <p>“Street law” лойиҳаси амалга оширилишини методик таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;</p> <p>кўнгиллилар гурухлари учун интерактив машғулотлар олиб бориш методикаси бўйича тренинглар ўтказиш;</p> <p>кўнгиллилар томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари ўкувчилари учун машғулотлар ўтказиш.</p>	<p>Ижрочиларнинг кўшма қарори</p> <p>Комплекс чора- тадбирлар</p>	<p>2019 йил май</p> <p>2019 йил июль</p> <p>2019 йил октябрь</p>	<p>Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин)</p>
21.	Таълим муассасалари ўкувчилари ва талабалари орасида хукуқ фанидан республика миқёсида кўйидаги танловларни ташкил қилиш ва ўтказиш:	Вазирлар Мажхамаси қарори лойиҳаси	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

	<p>умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари ўртасида “Хукуқ – бу тўғрилиқдир” мавзусидаги расмлар танловини ташкил қилиш;</p> <p>умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Менинг хукуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловини ташкил этиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;</p> <p>ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловини ташкил қилиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;</p> <p>олий таълим муассасаларида “Хукуқ билимдонлари” кўрик танловини ташкил қилиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш.</p>			(И.Маджидов), Давлат тест маркази (М.Каримов)
22.	Ёшларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш.	Ижрочиларнинг қўшма қарори Амалга ошириш	2019 йил март 2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов)
23.	Ёшларда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.	Ижрочиларнинг қўшма қарори	2019 йил февраль	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
24.	<p>Болалар ва ёшларга уларнинг хукуклари ва одоб-ахлок нормалари хақида маълумот берувчи кўргазмали тарғибот бўйича қуидаги ишларни амалга ошириш:</p> <p>флаерлар, буклетлар, комикслар, тақдимот слайдлари, видеороликлар ишлаб чиқиш ва ҳар бир таълим муассасасига етказиш (ҳар чорақда);</p> <p>кўргазмали хукукий тарғибот материалларини болалар ва ёшлар эътиборига етказиш.</p>	Кўргазмали тарқатма материаллар	2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев)
25.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ёшларни ўз хукукий заводхонлигини юксак даражада шакллантириш ва оширишдек эзгу мақсадлар атрофида бирлаштирувчи “Хукуқ билимдонлари” ёшлар хукукий клубларини ташкил этиш, кейинчалик уларнинг ижтимоий тармоқларда ҳам фаолият кўрсатишини таъминлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил август	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), вазирлик ва идоралар

26.	Умумтаълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳасида хуқуқ фанидан олимпиадалар ўтказиш ва голибларни муносиб тақдирлаш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил август	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Давлат тест маркази (М.Каримов)
27.	Тарбияси оғир вояга етмаганларга кучайтирилган хуқукий таълим бериш ва тарбиялашга оид маҳсус дастурларни қўллаш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил август	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов)
28.	Ёшларда соғлом турмуш тарзига бўлган интилишни шакллантиришга, ижтимоий жиҳатдан хавфли касалликларга, гиёҳвандликка, чекишга ва бошқа заарали одатларга қарши курашишга доир профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли уюштиришга, оммавий ёшлар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.	Чора-тадбирлар режалари	2019 йил май	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов), Бош прокуратура (О.Муродов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов)
29.	Болалар ва ёшларда давлат рамзларини эъзозлаш, унинг қадр-қимматини англаш, шунингдек, шахсий эҳтиёжлар ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилишга доир аниқ режалар асосида “очик дарслар” ва ўқув машғулотлари ўтказилишини таъминлаш.	Очиқ дарслар, ўқув машғулотлари	2019 йил мартаң бошлаб	Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)
30.	Диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришга қаратилган маҳсус видеороликлар тайёрлаш.	Видеороликлар	2019 йил апрель	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), МТРК (А.Хаджаев), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (Ф.Абдухаликов)
31.	Ёшлар томонидан содир этилаётган йўл харакати қоидаларини бузиш, ноқонуний автопойгалар ўтказиш ва бошқа нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида “Энг тартибли ёш ҳайдовчи” лойиҳасини ташкил этиш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил апрель	Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (К.Куранбаев), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

4. Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг хуқуқий маданиятини юксалтириши				
32.	Давлат органлари ва ташкилотларда хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услугий қўлланма ишлаб чиқиш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
33.	Давлат органлари ва ташкилотларда жамоатчилик асосида доимий фаолият кўрсатувчи хуқуқий тарғибот гурухларини ташкил қилиш ва улар томонидан соҳага доир қонун ҳужжатлари нормаларининг ходимлар ўртасида тизимли равишда тарғибот қилинишини таъминлаш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил март	Вазирлик ва идоралар
34.	Давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг хуқуқий саводхонлиги минимал даражаси бўйича талабларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишга қабул қилишда мазкур талабларга мувофиқлиги юзасидан ўқитиш ва баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Молия вазирлиги (Ж.Кўчкоров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Содиков)
35.	Давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг хуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул хуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш.	Йўжочиларнинг қўшма қарори	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
36.	Ҳар бир давлат органлари ва муассасаларида: “Хуқуқий маданият ойлиги”; “Одоб-ахлоқ ойлиги”; “Коррупцияга карши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил март май декабрь	Вазирлик ва идоралар
37.	Давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари фаолиятида масъулиятсизликнинг ва идоравий хуқуқий нигилизмнинг намоён бўлишига имкон яратадиган омилларни хукукбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш орқали бартараф этиш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил март	Вазирлик ва идоралар
38.	Кадрларга оид қарорларнинг, бўш лавозимларга кадрларни тайинлаш учун танловларни режали асосда ўтказишнинг шаффофлигини таъминлаш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил апрель	Вазирлик ва идоралар
39.	Ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига ахолининг хуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган ютуқлари учун топшириладиган “Хуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Молия вазирлиги (Ж.Кўчкоров)

40.	Давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида фаолият йўналишидан келиб чиқиб қонун хужжатлари мазмунини тушунтиришга қаратилган “Хукуқий саводхонлик” руқнларини ташкил этиш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил май	Вазирлик ва идоралар
5. Аҳоли барча қатламларининг хукуқий маданиятини юксалтириши				
41.	Ёшидан келиб чиқиб аҳоли хукуқий саводхонлигининг даражаси бўйича минимал талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида фуқароларнинг хукуқий билим даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш.	Идоравий ҳужжат	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
42.	Адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантириш.	Қонун лойиҳаси	2019 йил март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Адвокатлар палатаси (А.Эрназаров)
43.	Қонун хужжатларини аҳолига тезкор равища етказиш, шунингдек, соҳага доир қонун хужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш тизимини такомиллаштириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил август	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
44.	Ахборот-ресурс марказлари ҳамда ахборот-кутубхона фондларини юридик адабиётлар билан бойитиб бориш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил август	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров), Матбуот ва ахборот агентлиги (К.Алламжонов)
45.	Давлат органлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил мультимедиа марказларининг хукуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини кучайтириш. Бунда: долзарб ва аҳолини қизиқтирадиган хукуқий масалаларни аниқлаштириш (ўй-жой ва ер олиш масалалари, таълим муассасаларига жойлаштириш, алимент, моддий ёрдам, миграция, коммунал хизмат масалалари); таҳлиллар асосида ва қонунчиликдаги соҳага оид янгиликлар бўйича зарур ахборот-таҳлилий ва кўргазмали медиа материалларни тайёрлаш ва эфирга узатиш.	Таҳлилий маълумот Телематериаллар	Ҳар ярим йилда Доимий	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Бош прокуратура (О.Муродов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), МТРК (А.Хаджаев), вазирлик ва идоралар
46.	Аҳолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларни қизиқтирган хукуқий мавзуулар бўйича “Сўров бўйича хукуқий тарғибот” лойиҳасини амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар

47.	Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муносиб ҳисса қўшган ҳуқуқ тарғиботчиларининг бу борадаги фидойилигини рағбатлантириб бориш мақсадида “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси” ва “Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда энг яхши инновацион лойиха” танловларини ўтказиш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори Кўрик танлов ўтказиш	2019 йил март май	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдураҳмонов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>)
48.	Халқимизда давлат рамзлари билан фаҳрланиш туйгуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган видеороликлар тайёрлаш.	Видеороликлар	2019 йил май	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>)
49.	Халқимизнинг ҳуқуқий ёдгорликлари ва ҳуқуқ йўналишидаги олимлари ва арбоблари фаолиятини чукур ўрганиш ва уларни кенг оммага тарғиб қилиш.	Рисолалар, videороликлар	2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>)
50.	Ахолига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаролар олдидағи мажбуриятларини тушунтиришга, шунингдек, ахолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий видеороликларни тайёрлаш ҳамда телевидение ва ижтимоий тармоқларда тарқатиш.	Ижтимоий videороликлар	Ҳар ойда камида бир мартадан	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (<i>Ф.Абдухаликов</i>)
51.	Адвокатлик ёки ҳуқуқшунос фаолиятига бағишлиланган бадиий фильм ва сериаллар тайёрлаш.	Ижрочиларнинг кўшма қарори Бадиий фильм, сериал	2019 йил май 2019 йил октябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (<i>Ф.Зокиров</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Адвокатлар палатаси (<i>А.Эрназаров</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
52.	Ахолини қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга қаратилган қисқа метражли фильмлар ҳамда театр спектакларини яратиш ва тизимли равишда телевидение орқали бериб бориш.	Қисқа метражли фильмлар ҳамда театр спектакллари	Доимий равиша	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги (<i>Ф.Зокиров</i>), Маданият вазирлиги (<i>Б.Сайфуллаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Ж.Кўчкоров</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
53.	Коррупцияга карши курашиш мавзуси доирасида: камида 5 та ижтимоий видеоролик тайёрлаш; коррупция, ҳалоллик, тўғрилик, қонунга хурмат, адолат тантанаси мавзуларида тарғибот материаллари, дидактикаль материаллар, мультиликацион фильмлар тайёрлаш.	Ижтимоий videоролик, дидактикаль материаллар, мультиликацион фильмлар	2019 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Бош прокуратура (<i>О.Муродов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>), “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (<i>Ф.Зокиров</i>)

54.	Ахолида коррупцияга муросасизлик кайфиятини шакллантириш мақсадида ижтимоий шериклик асосида коррупцияга қарши тарғибот материаллари (журналистик материаллар, блогпостлар, карикатураалар, буклет, флаер, баннерлар, юмористик асарлар) мегатанловини ўтказиши.	Мегатанлов	2019 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>К.Куранбаев</i>)
55.	Меҳнат мигрантларига турли ижтимоий-хукукий масалалар, хусусан, миграция, ишга жойлашиш, таълим олиш, бошқа давлатларнинг қонун хужжатлари бўйича хукукий ахборотлар олишда тизимли ёрдам кўрсатишни ўз ичига олувчи маҳсус ахборот сайтини ишлаб чиқиши.	Ахборот сайти	2019 йил декабрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Ш.Кудбиев</i>)
56.	Ташки меҳнат мигрантларини миллий қонунчилик ва халқаро хукук нормаларининг мазмунни тўғрисида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчиноналари ва ваколатхоналари кўмагида ижтимоий рекламалар, Интернет веб-саҳифалари, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалардан фойдаланган ҳолда хабардор қилиб боришининг аниқ механизмини ишлаб чиқиши.	Ижрочиларнинг кўшма қарори	2019 йил июнь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Ш.Кудбиев</i>), Ташки ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
57.	Ногиронлар (кўзи ожиз ва кар-соқовлар учун) ва кекса ёшдаги шахслар учун фойдаланишга қулай бўлган, уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид хукукларига доир тўпламларни тайёрлаш ва хайрия акцияларини ўтказган ҳолда тарқатиши.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А.Шодмонов</i>)
58.	Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга мослашуви учун кўмак бериш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида масофадан туриб таълим олиш тизимини йўлга кўйиши.	Норматив-хукукий хужжат	2019 йил декабрь	Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), вазирлик ва идоралар
59.	Жазони ижро этиш муассасаларида хукукий билимларни ўргатиши, хукукий маърифат ва судланганларни хукукий тарбиялаш мақсадида “Хукуқ ва мен”, “Жиноят оламидан қайтиши” номли маърифий-хукукий машғулотларни мунтазам ўтказиш тизимини жорий этиши.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил октябрь	Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>), Бош прокуратура (<i>О.Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
60.	Ҳарбий хизматчиларнинг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш мақсадида: аниқ чора-тадбирлар асосида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг, Темурбеклар мактаблари ўқувчиларининг хукукий билимларини тизимли равишда ошириб бориш, дунёқараши ва фикрлаш доираларини кенгайтириш;	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил октябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Мудофаа вазирлиги (<i>А.Азизов</i>), вазирлик ва идоралар

	ҳарбий қисмларда ҳар ойнинг жума куни “Хуқуқий саводхонлик соати”ни ташкил қилиш, унда мамлакатимизнинг барча жабхаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини ҳарбий хизматчиларга етказиш.		Доимий равиша	
II. Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришда хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш				
61.	Қўйидаги масалаларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Миллий хуқуқий интернет порталини яратиш: қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси; барча миллий хуқуқий сайтлар; юридик лугат ва хуқуқий электрон кутубхона; мақсадли аудиториялар (давлат хизматчилари, педагоглар ва бошқалар) учун мажбурий курслар (mandatory courses).	Хуқуқий портал	2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
62.	Турли ҳаётий ҳолатлар бўйича хуқуқий ечим таклиф этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими билан боғланадиган Advice.uz хуқуқий ахборот тизимини (“Ўзбекистон хуқуқий форуми” сайтини) яратиш ва ишга тушириш.	Хуқуқий ахборот тизими	2019 йил май	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар
63.	Фуқароларнинг ўз хуқуқий билим даражасини синаш максадида Интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Хуқуқий тест” лойиҳасини яратиш.	Тест дастури	2019 йил март	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
64.	Интернетдаги ижтимоий тармоқларда (Facebook, Telegram, Twitter, Youtube, Mytube.uz ва ҳ.к.) давлат органлари ва ташкилотларнинг каналларини ташкил қилиш ва ушбу каналларда веб-технологиялардан кенг фойдаланган холда соҳа фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб хуқуқий тарғибот материалларини жойлаб бориш. Ижтимоий тармоқлардаги каналларда эълон қилиш учун материалларни тайёрлаш, жойлаштириш ва қайта алоқани таъминлаш бўйича услугий кўлланма ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар Услубий кўлланма	2019 йил май 2019 йил август	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), вазирлик ва идоралар Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)
65.	Интернет тизимида ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Хуқуқий ахборот” телеграм каналини ташкил қилиш ва унда қонун хужжатлари мазмунини қисқача таҳлилий ёритиш, шунингдек, аҳолининг хуқуқий билимларини юксалтиришга доир хуқуқий материалларни бериб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)

66.	Мамлакатимиз ахолиси кўп фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда сўровлар ўтказиш орқали ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражасини таҳлил қилиш ва унинг натижасида ҳуқуқий ахборотни манзилли етказиш ишларини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил август	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (<i>Р.Убайдуллаева</i>)
-----	---	-------------------------	-----------------	--

III. Ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириша оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш

67.	Ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда ахолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил февраль	МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>)
68.	Оммавий ахборот воситаларининг (матбуот, телевидение, радио) ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Вазирлар Махкамаси карори лойиҳаси	2019 йил сентябрь	Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (<i>Ф.Абдухаликов</i>)
69.	Ҳуқуқий даврий нашрларни интернет тармоғига интеграция қилиш ва уларнинг электрон нусхалари жойлаб борилишини таъминлашни йўлга қўйиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил май	Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (<i>Ф.Абдухаликов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>), Молия вазирлиги (<i>Ж.Кўчкоров</i>)
70.	Ахолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш максадида “Ҳуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш ва амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил декабрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар
71.	Ҳуқуқий соҳани ёритувчи журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши.	Таклифлар	2019 йил январь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>)

72.	Қабул қилинган қонун хужжатларига мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ҳамда муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоу, баҳс-мунозара йўналишидаги кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш.	Чора-тадбирлар режаси	2019 йил апрель	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
73.	Аҳоли ўртасидаги долзарб ижтимоий-хуқуқий муаммолардан келиб чиқиб, фукароларнинг хуқуқий маърифатини оширишга хизмат қиласидаги, хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ҳамда хуқуқий мавзудаги лойиҳаларни тайёрлаш ва тарқатиш.	Медиа режа	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (<i>Ф.Зокиров</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), вазирлик ва идоралар
74.	Оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат органлари ва фукаролик жамияти институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил март	Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>К.Алламжонов</i>), Миллий ахборот агентлиги (<i>А.Кўчимов</i>), МТРК (<i>А.Хаджаев</i>)
75.	Давлат органлари ахборот хизматларининг хуқуқий ахборотни тарқатишдаги роли ва ўрнини кучайтириш, шу жумладан, давлат органи нуғузига таъсир кўрсатадиган салбий хабарлар бўйича зудлик билдириб бориши механизмини яратиш.	Идоравий хужжат	2019 йил январь	Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

IV. Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш

76.	Ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг хуқуқни қўллаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаш, талабаларда таҳлилий фикрлашни, янги билимларни мустақил равишида эгаллаш ва улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантиришга қаратилган ўқитишининг замонавий шакллари ва услублари ҳамда технологиялари асосида ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдураҳмонов</i>)
77.	Юридик олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот институтлари, судлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқаларини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Ижроҷиларнинг қўшма қарори	2019 йил июнь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Бош прокуратура (<i>О.Муродов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>)

78.	Замонавий хорижий тажриба асосида юридик соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги инновацион шакл ва институтларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил июль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдураҳмонов</i>)
79.	Илғор хорижий тажриба асосида миллий юридик таълим ва юридик фан соҳасини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларга фахрий доктор даражасини бериш тартибини жорий этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдураҳмонов</i>)
80.	Ўқув жараёнига клиник юридик таълимни татбиқ этиш юзасидан етакчи хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан кенг ва унумли фойдаланиш. Тармоқлараро таълимни кучайтириш ва бу борада Тошкент давлат юридик университети магистратура босқичида “Хукуқ ва Тиббиёт”, “Хукуқ ва Қурилиш” каби мутахассисликлар очилишини таъминлаш.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил июль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>)
81.	Хукукий мавзуулар бўйича таълим берувчи педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.	Ижрочиларнинг қўшма қарори	2019 йил октябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>)

V. Хукукий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиши

82.	Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси	2019 йил февраль	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” маркази (<i>Р.Убайдуллаева</i>)
83.	Жамиятда аҳолининг хукукий саводхонлигини ошириб боришни аниқ кўрсаткичлар асосида ўрганиб бориш ва баҳолаш.	Мониторинг тадбирлари	Доимий равища	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” маркази (<i>Р.Убайдуллаева</i>)
84.	Хукукий фанларни ривожлантиришнинг илмий асосланган режаларини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш.	Таҳлилий маълумотнома, таклифлар	2019 йил март	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А.Комилов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П.Бобоҷонов</i>)

85.	Хукукий тарбиянинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиши.	Комплекс чора-тадбирлар	2019 йил сентябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Ш.Шерматов</i>), Мактабгача таълим вазирлиги (<i>А.Шин</i>)
86.	Хукукий маданиятни юксалтириш бўйича магистрлик ва докторлик диссертациялари тайёрлаш кўламини кенгайтириш, бунда оиласидаги можаро ва зўравонликлар ҳамда уларнинг ижтимоий-хукукий оқибатларини комплекс тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш.	Тадқиқот ишланмалари	2019 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Олий аттестация комиссияси
87.	Давлат илмий-техник дастурлари доирасида илмий-техник лойихалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-хукукий, педагогик-психологик жиҳатларини тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб бориши.	Идоравий хужжат	2019 йил июнь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдураҳмонов</i>)
88.	Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, маҳсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиш.	Сўровлар, тадқиқот ва таҳлиллар	2019 йил ноябрь	Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), “Ижтимоий фикр” маркази (<i>Р.Убайдуллаева</i>), вазирлик ва идоралар

